

ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУҲАФИЗ АБДУЖАББОРОВ

اللغة العربية

АРАБ ТИЛИ

Олий ўқув юртлари талабалари учун *дарслик*

Тошкент-2005

АБДУХАФИЗ АБДУЖАББОРОВ

(10.08.1940 – 25.10.2005)

- Устоз Абдухафиз Абдужабборов 1940 йил 10 августда Тошкент шаҳрида туғилганлар.

- 1966 йили Тошкент Давлат университетининг Шарқ факультетига кириб, 1970 йили имтиёзли диплом билан тугатганлар.

- Меҳнат фаолиятларини 1966 йил ўқишдан ажralмаган ҳолда мазкур факультет араб филологияси кафедрасида араб тилидан дарс беришдан бошлаганлар ва шу касбга бир умр содик қолганлар.

- 1970-чи йиллар ўрталарида “Прогресс” нашриётининг Тошкент бўлимида араб таҳририятига раҳбар ва Бosh назоратчи муҳаррир сифатида ўзбек адабиётининг дурдона асарларини араб тилига таржима қилиб араб афкор оммасига етказишида фаол иштирок этганлар.

- 1980-чи йиллари Сурия, Яман, Ливия каби араб мамлакатларида юртимиз иштирокида бунёд этилган қатор муҳим обьектларда таржимонлик қилганлар.

- 1993 – 1998 йиллар мобайнида Тошкент Шарқшунослик институти араб филологияси кафедрасини бошқарганлар.

- 2000 йилдан то умрларининг охиригача Тошкент ислом университети Шарқ тиллари кафедрасида араб тилидан устоз – домлалик қилганлар.

Устоз А.Абдужабборов “Араб филологиясига кириш”, “Араб наҳви”, “Классик тил хусусиятлари”, “Таржима назарияси ва амалиёти”, “Балоғат илми – стилистика”, “Араб назарий грамматикаси” каби маҳсус курсларини яратиб, ўқув жараёнига татбиқ этишга муваффақ бўлганлар. Шу тариқа республикамизда арабшунослик ривожига муносиб хисса қўшган эдилар.

Устоз А.Абдужабборов Мағрибдан Машриққача маълум ва машхур юртдошимиз М. Замахшарийнинг “الأنموذج” асари асосидаги ўқув қўлланмани, “Қуръони карим оятлари ва ҳадисларда ота – она, қўшничилик муносабатлари”, ”Билим – иймон чироғи”, “Инсон кўрки – одоб” рисолалари орқали шу мавзулардаги ояти карима ва

ҳадиси шарифларни ишлатиб, илмий истеъфодага киритган тадқиқотчи ҳам эдилар.

Устоз А.Абдужабборов йирик араб адиларининг асарларини, қолаверса қўплаб бадиий ва қўп қисмли араб фильмларини ўз ватандошларига она тилисида етказиб бера олган сермаҳсул таржимон эдилар.

Устоз ҳатто синхрон таржима бобида ҳам ўз иқтидорини кўрсатган, қанчадан – қанча халқаро анжуманлар ва ҳукуматлараро музокаралар юқори савияда ўтишини таъминлаган моҳир таржимон эдилар.

Кўлингиздаги “Араб тили” дарслиги Устознинг бой илмий ва услубий меросини қўп жиҳатдан ўзида жамлаган, лекин китоб шаклида кўриш Ўзларига насиб этмаган меҳнат самаралари бўлиб, энди у бамисоли Уларга шогирд ва хамкаслари томонидан кўйилган ҳайкал бўлиб қолади.

Сўз боши

Жаҳон тилларидан бири деб эътироф этилган араб тили инсоният тараққиёти тарихида ғоят муҳим ўрин эгаллаган. Милоддан кейинги дастлабки асрларда Арабистон яриморолининг жанубий минтақаларидағи қабилаларгагина хос бўлган бу тил Ислом дини шаклланиши ва тарқалиши билан Яқин ва Ўрта Шарқ, Шимолий Африка халқларининг она тили бўлиб қолди. Ҳатто Европа қитъасининг ғарбида ҳам, ҳозирги Испания ҳудудида араб давлати-«Андалусия» ташкил топган эди.

Илоҳий мўъжиза бўлмиш Қуръони каримнинг араб тилида нозил бўлиши ва Пайғамбаримиз Мухаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўз суннатларини шу тилда баён қилганлари араб тилининг «икки дунё саодатига элтувчи тил» деб эътироф этилишига асос бўлди.

Ислом дини шарофати-ла араб тили Атлантик океандан қарийб Тинч океангача чўзилган жуда катта минтақада яшайдиган халқлар учун она тилига айланмаса-да, халқаро муносабатлар ва сиёsat тили, илм-фан, маданият тили сифатида тарқалди. Яқин ўтмишгача мусулмон мамлакатларида араб тилини билмайдиган киши зиёли

саналмас эди. Ҳозирги кунда башариятнинг тараққиёт даражасини белгилаётган энг муҳим фанлар (кибернетика, астрономия, медицина ва ш.к.)нинг асослари ўрта асрларда араб тилида яратилган эди.

Бу тилда жаҳон маданиятининг дурдоналарига айланган кўплаб адабий-бадиий, фалсафий, диний, тарихий, сиёсий мавзулардаги асарлар ҳам яратилди.

«Ислом маданияти» ёки «Араб тилидаги маданият» деб аталмиш бу маданиятининг шаклланиб, ривожланишига имом Бухорий, Термизий, Хоразмий, Беруний, ибн Сино, Улуғбеклар каби кўплаб аждодларимиз ҳам салмоқли ҳисса қўшганлар. Ўзлигимизни англаш, келажакка интилган умумбашар карвонида ўзимизга муносиб ўрин эгаллаш ва уни қўлдан чиқармаслик учун, ўсиб келаётган авлодни маънавий-ахлоқий пок, илм-маърифатга чанқоқ, Ватанига, халқига садоқат руҳида тарбиялашимиз учун аждодларимиздан қолган ниҳоятда бой илмий-адабий меросни халқимизга етказишимиз, фарзандларимиз онгига сингдиришимиз лозим. Бу эса араб тилини ўрганиш ва ўргатишни тақозо қиласди.

Араб давлатларининг, яъни араб тилини ўзининг расмий тили деб эълон қилган давлатларнинг ҳозирги кунда ҳам дунёning сиёсий, ижтимоий, иқтисодий хариталаридаги мавқеи муҳим аҳамиятга эга. Форс кўрфази, Ҳинд океани, Араб денгизи, Қизил дengiz, Ўрта Ер денгизи, Атлантик океан соҳилларига жойлашган, Осиё қитъасининг жануби-ғарбий, Африка қитъасининг шимолий минтақаларини эгаллаб турган, ахолисининг умумий сони 190 миллиондан ортадиган 22 мустакил давлат дунёда кечаётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий жараёнларга сезиларли таъсир кўрсатмоқда.

Дунё мамлакатлари билан тинч-тотув яшашни, улар билан ўзаро манфаатли иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришни ўзимизга мақсад қилиб қўйган эканмиз, араб давлатлари билан ҳам турли даражалардаги сиёсий ва иқтисодий-ижтимоий алоқаларни ривожлантириб боришимиз лозим. Араб тилини билиш бу мақсадга етишиш учун ҳам хизмат қиласиган муҳим омилдир.

* * *

Араб тили генеалогик таснифга кўра сомий-хомий тиллар оиласининг сомий тиллар гуруҳига киради. Бу гуруҳ яна иврит (яхудий), ойсор, амҳар ва хорари тилларини ўз ичига олади.

Классик араб тили – Қуръони карим тили асосида замонавий араб адабий тили шаклланган. Барча араб давлатлари расмий муомалаларини шу тилда – замонавий адабий тилда олиб боради, оммавий ахборот воситалари – матбуот, радио, телевидение шу тилдан фойдаланади.

Аммо арабларнинг қундалик ҳаётларида ишлатадиган сўзлашув тиллари араб адабий тилидан ва турли минтақалардаги арабларнинг тиллари бир-биридан фарқ қиласди. Бу фарқ айрим худудларда шу қадар каттаки, халқнинг саводсиз қисми ўз давлатининг расмий тилини базур тушуниши, ҳатто тушунолмай қолиши ҳам мумкин.

Бу мураккаб ижтимоий муаммонинг келиб чиқишига сабаб бўлган омиллар асосан қуйидагилар:

1) адабий тилнинг асоси бўлган Қуръони карим Ҳижоз арабларининг Қурайш исмли қабиласи тилида нозил бўлган. Айни замонда бошқа араб қабилалари ҳам бўлганки, уларнинг тиллари қурайшийларнидан фарқ қилган. Қурайшийларнинг ўша пайтдаги тили Қуръони карим оятларида муҳрланиб, асрлар давомида ўзгаришсиз сақлаб келинмоқда. Бошқа тиллар эса тиллар ривожининг умумий қонуниятларига кўра ривожланиб, ўзгариб боряпти. Оқибатда, ўртадаги фарқ муттасил ортиб бормоқда;

2) араблар келиб чиқиши жиҳатидан икки тоифага бўлинадилар:
العرب المستعربة -**асл араблар** (масалан, Ҳижоз араблари) ва 2. **араблашган араблар**, яъни Ислом киришидан аввал араб бўлмаган, мусулмон бўлганидан кейин вақт ўтиши билан асл миллатини унугиб, ўзини араб ҳисоблай бошлаган халқлар (масалан, Шимолий Африкада яшовчи араблар). «Араблашган араблар»нинг тилларига аввалги она тиллари таъсир қўрсатмай қолиши мумкин эмас эди, албатта. Тил ва шевалар ўртасидаги тафовутнинг анчагина қисми шу омил билан боғлиқ;

3) XV асрдан бошлаб араблар яшайдиган минтақаларнинг талайгина қисми Усмоний турклар тасарруфида бўлди. XVIII асрдан XX асрнинг иккинчи яримларигача араб диёrlарида Оврупонинг мустамлакачи давлатлари (Англия, Франция, Германия, Италия каби) ўз хукмларини ўтказдилар. Бу ҳам тилда ўз аксини топмай қолмайди.

Хулоса қилиб айтганда «араб тили» тушунчаси ҳозирги кунда бир-биридан фарқли бўлган камида учта тилни қамраб олади:

1) **классик араб тили** – Қуръони карим, Ҳадиси шарифлар, Исломгача бўлган «жоҳилия» ва илк Ислом даври адабиёти тили;

2) **ҳозирги замон араб адабий тили** – классик тил асосида ривожланган, замонавий тараққиётни ўзида акс эттирган, ҳамма араб давлатлари томонидан расмий тил сифатида эътироф этилган тил;

3) ҳар бир минтақанинг ўзига хос бўлган жонли **сўзлашув тили-лаҗжалар ва шевалар**.

* * *

Ислом динининг дунёга тарқалиши туфайли Қуръони карим тилини кўп эл-элатларга ўргатиш ижтимоий зарурат бўлиб қолган. Бу эса тилни чуқур ўрганиб, унинг қонун-қоидаларини ишлаб чиқиши талаб қиласди.

Ҳозирги кунда дунёда кенг тарқалган филологик (тил ва адабиётга тегишли) илмларнинг асосида қадимги юонон олимни Арасту (Аристотель-милоддан аввалги IV асрда яшаган) тузган қадимги юонон тили ва адабиётига оид «Грамматика», «Риторика» ва «Поэтика» каби асарлар ётади. Мусулмон олимлар эса араб тилига оид илмларни мутлақо мустақил тарзда, бошқа тилларга боғламаган ҳолда яратганлар. Масалан, рус филологиясини ташкил қилувчи грамматика, стилистика, адабиётшунослик каби илмлар XVIII, XIX, ҳатто XX асрларда, Арасту яратган тизимлар асосида шакллана бошлаган бўлса, араб филологиясини ташкил қилувчи илмлар VIII,

IX асрларда шаклланган ва X асрдаёқ камолга етган эди. Бу тарихий воқеликни шу соҳанинг мутахассислари сўзсиз тан оладилар.

Тилшунос олимлар арабларнинг нахв тизимини XX асрнинг 60–70-йилларида шаклланган, тилшуносликда «энг янги оқим» хисобланган структурал лингвистикага ўхшатадилар.

Араб тилининг қонун-қоидалари тизими-нахв илмини яратган ва камолга етказган олимлар орасида бизнинг бобокалонимиз Маҳмуд аз-Замахшарий (1075–1144й) «ал-Унмузаж» ва «ал-Муфассал» асарлари ҳануз араб тили бўйича муҳим қўлланмалар хисобланади.

ТОВУШЛАР ТИЗИМИ ВА ЁЗУВ

الأصوات والأحرف

1– §. Товушлар таснифи

Нутқ бўғиз бўшлиғидан оғиз ёки бурун бўшлиғи орқали чиқаётган ҳаво оқими ҳосил қилган товушлардан иборат бўлади. Товушларнинг талафғузида ун (товуш) пайчалари, тил, танглай, милк, тиш, лаб каби аъзолар – нутқ органлари иштирок этади.

Фақат ун пайчаларини титратиб, оғиз бўшлиғида тўсиқка учрамай ўтган ҳаво оқими ҳосил қилган товушлар «**унли товушлар**» деб аталади. Ҳаво оқимининг бирор тўсиқка учраши натижасида ҳосил бўлган товушлар «**ундош товушлар**» деб аталади.


Унли товушлар талафғузида *огизнинг очилиши* (тилнинг танглайдан узоқлиги) *дараҷасига* кўра юқори (тор), ўрта ва қуйи (кенг) кўтарилиш, *тил учининг тишига яқинлик дараҷасига* кўра олд, ўрта ва орқа қатор унлиларига, *лабларнинг иштирок этиши-этмаслигига* кўра лабланган ва лабланмаган унлиларга ажратилади. Масалан, «*i*» – юқори (тор) кўтарилиш, олд қатор, лабланмаган унли, «*y*» – юқори (тор) кўтарилиш, орқа қатор, лабланган, «*a*» эса – қуйи (кенг) кўтарилиш, орқа қатор, лабланмаган унлидир. Бундан

ташқари унлилар талафғуз муддатига күра «қисқа» ёки «чүзік» бўлиши мумкин.

Үндош товушлар таснифида қуидаги омиллар хисобга олинади:

1. Махражс – товуш ҳосил бўладиган жой, чиқаётган ҳаво оқимига тўсиқ бўладиган нутқ органи. Масалан, «б» товушининг махражи – лаб-лаб, «ф» товушининг махражи – лаб-тиш, «т» товушиники – тил олди-юқори олд тишлар ва ҳоказо.

Араб ундошларининг ҳосил бўлиш жойлари-махражлари



2. Талаффуз усули – ҳаво оқими йўлининг тўсилиш даражаси. Бутунлай ёпилиб, очилиши натижасида ҳосил бўлган товуш

«**портловчи**», қисман тўсилиши натижасида ҳосил бўлган товуш «**сирғалувчи**» деб аталади. Масалан, «*b*», «*m*» товушлари – портловчи, «*z*», «*sh*» товушлари эса – сирғалувчи товушлардир.

Портловчи ва сирғалувчи товуш бирикмасидан иборат қўш товушлар «қоришиқ» (аффриката) деб аталади. Масалан, «*m*» ва «*sh*» товушлари бирикмаси «*ч*», «*m*» ва «*c*» бирикмаси «*ц*» ва ш.к.

3. Ун (товуши) пайчаларининг иштироки. Ундошларнинг талафузида ҳаво оқимининг тўсиққа учраши натижасида овоз чиқади, бу овоз «**шовқин**» деб аталади. Ҳаво оқими ун пайчаларини ҳам титратиб ўтган бўлса, «**жаранг**» ҳосил бўлади. Фақат шовқиндан иборат бўлган товушлар «**жарангсиз**», жаранг ҳам қўшилган бўлса, «**жарангли**» деб аталади. Масалан, «*c*», «*m*» – жарангсиз, «*z*», «*d*» – жарангли.

«*m*», «*n*», «*l*» каби талафузида жаранг шовқиндан устун бўлган ундошлар «**сонор**» ёки «**сонант**» деб аталади.

Булардан ташқари, араб тилида маҳражи тил олдида бўлгани ҳолда тил орқаси тилча (юмшоқ танглай) томон кўтарилиб талафуз қилинадиган «**эмфатик**» товушлар ҳам бор.

Ўзбек ва араб тилларидаги ундошларнинг қиёсий таснифи

Маҳражи талафуз усули		лаb-лаb	лаb-тиш	тил олди			тил ўргаси-каттик	тил орти-юмшоқ	тил орти-тилча	халқум	бўғиз
тиш орас и	юқори тиш			танглай олди							
портловчи	жаранг ли	Б	Ж	Д	Д	Г					

	жаранг - сиз	П				Т	ط		К		ق		ء
сиргалувчи	жаранг - ли	و	В	ذ	ظ	ز			Ӣ		غ	ع	
	жаранг - сиз	ف	Ф	ث		ص	ش		X	خ		ح	X
коришик	жаранг - ли							Ж		ڇ			
	жаранг - сиз					Ц		Ч					
сонорлар	бурун	M	م			Н	ن			НГ			
	тил ёнлари					Л	ل						
	титроқ					Р	ر						

2- §. Араб ёзуви хусусиятлари

Араб ёзуви ўнгдан чапга йўналган ёзувдир. Алифбода жами 28 харф бўлиб, уларнинг 25 таси ундошларни, 3 таси эса чўзиқ унли ва

ярим ундошларни ифодалайди. «Ҳамза» ундоши алифбога киритилмаган. Қисқа унлиларни англатувчи ҳарфлар ҳам йўқ.

Ҳарфларнинг 22 таси сўз таркибида ўзидан кейинги ва олдинги ҳарфларга уланиб ёзилади, 6 таси эса фақат ўзидан олдинги ҳарфга уланади. Ҳар бир ҳарф бошқа ҳарфга уланган-уланмаганлигига қараб турли шаклга эга бўлиши мумкин.

Араб алифбосида «бош ҳарф», «кичик ҳарф» деган тушунчалар йўқ. Бу жиҳатдан ҳамма ҳарфлар бир хил. Фақат ҳозирги кундаги босма ҳарфлар қўлёзма ҳарфлардан баъзи ҳолатларда бироз фарқ қиласди.

Араб ҳарфлари рақамлар ўрнида ҳам ишлатилган. Ҳар бир ҳарф ўзининг рақамий-«абжадий» қийматига эга.

Араб ёзуви китобларни, турли иншоот ва қурилмалар, рўзғор буюмларини безаш учун ҳам хизмат қилган. Шу боис чиройли ёзув – хуснихат муттасил такомиллашиб бориб, санъат даражасига етган. Бу санъатни эгаллаган кишилар – хаттоллар эл орасида олимлар, шоиру адиллар қатори ҳурмат-эътибор қозонганлар.

Асрлар давомида араб ёзувининг ҳарфларнинг шакллари, бир-бирига уланиши, чизикларнинг қалинлиги, узунлиги билан бир-биридан фарқ қиласиган турли кўринишлари шаклланган. Бу кўринишлар «хат» – «ёзув» деб аталади. **Қуфий, мағрибий, девоний, таълиқ, сулс, риқъа, насх** номли «хат»лар мусулмон дунёсида маълум ва машхурдир¹. Дарслиқдаги арабча матнларни ёзишда нисбатан содда ва энг кўп тарқалган «насх» хати асос қилиб олинди.

Араб алифбоси

абжадий қиймати	ёзилиши	Номи	Тартиб рақами	абжадий қиймати	ёзилиши	номи	тартиб рақами
800	݂	ضاد	15	1	݂	݂݁	1


¹ 1-иловага қаранг.

	ضضض						
9	ط ططط	طاء	16	2	ب بيب	باء	2
900	ظ ظاظ	ظاء	17	400	ت تست	تاء	3
70	ع مع	عين	18	500	ث ثثث	ثاء	4
1000	غ غغغ	غين	19	3	ج ججج	جيم	5
80	ف ففف	فاء	20	8	ح ححح	حاء	6
100	ق ققق	قاف	21	600	خ خخخ	خاء	7
20	ك ككك	كا	22	4	د د	DAL	8
30	ل للل	لام	23	700	ذ ذ	ذال	9
40	م مم	ميم	24	200	ر ر	راء	10
50	ن ننن	نون	25	7	ز ز	زاء	11
5	ه ههه	هاء	26	60	س سسس	سين	12
6	و ووو	واو	27	300	ش ششش	شين	13
10	ي يبي	ياء	28	90	ص صص	صاد	14

3- §. « ب », « ت », « ث », « ج » xарфлари

Бу уч ундош ёзилишда фақат нұқталар үрни ва сони билан бир-биридан фарқ қиласы.

« **ب** » **харфи** лаб-лаб, портловчи, жарангли товушни ифодалайды. Ўзбек тилидаги «*Бобир*», «*бодринг*» каби сўзлардаги «**б**» товушидан фарқ қилмайды:




» *ҳарфининг ҳар бир кўринишини 3 қатордан* **ب** 1- машқ. «

ёзинг.

2- машқ. **ب** *ва бирикмаларини 2 қатордан ёзинг.*

« **ت** » **харфи** тил учи-юқори тиш, портловчи, жарангсиз товушни ифодалайды. Ўзбек тилидаги «*тариқ*», «*тириқ*» каби сўзлардаги «**т**» товушидан фарқ қилмайды.





3- **машқ.** « **ت** » *ҳарфининг ҳар бир кўринишини 2 қатордан ёзинг.*

4- **машқ.** *Қуидаги бирикмаларни 1 қатордан ёзинг:*


تب، بت، بت، بت

«**ث**» **харфи** тил учи-юқори ва пастки тишлилар ораси, сирғалувчи, жарангсиз товушни англаатади. Ўзбек тилида бундай товуш йўқ.

Арабча «**ث**» билан ўзбекча «**с**» товушларининг талаффузида нутқ органларининг ҳолатларини солиштиринг:



» товушининг талаффузи «С» товушининг ۋ
«
талаффузى



5- машқ. «ث» ҳарфининг ҳар бир қўринишини 1 қатордан ёзинг.

6- машқ. Қуидаги бирималарни 1 қатордан ёзинг:

بـبـ، تـتـ، تـبـ، تـتـ، بـتـ، تـبـ، ثـبـ

4- §. Унлилар

Араб тилида фақат «а», «и», «у» унлилари бор. Ҳар бир унли қисқа ёки чўзиқ бўлади. Унлининг қисқа ё чўзиқ талаффуз қилинишига қараб сўзнинг маъноси бутунлай бошқача бўлиши мумкин.

Ҳар бир бўғин таркибида албатта бир унли товуш бўлгани ҳолда, араб тилида ҳеч қандай бўғин унлидан бошланмайди. Унли товуш фақат ундош товушдан кейин келиши мумкин. Шунга кўра, араб тилида «о-та», «но-а-ниқ» каби сўзлар йўқ.

а) қисқа унлилар.

Араб алифбосида қисқа унлиларни билдирадиган ҳарфлар йўқ. Қуръони карим, луғатлар, ўқув қўлланмаларида ва бошқа зарур ҳолатларда қисқа унлилар «харакат» деб аталадиган маҳсус белгилар билан ифодаланади.

«а» қисқа унлиси шу унлидан олдинги ҳарф устига «-fatxa»-«ـ» белгисини қўйиш билан ифодаланади. Масалан: بـ، ئـ

«И» қисқа унлисини эса олдинги ундошнинг остига «каспа» – «–**» белгисини қўйиб ифодаланади. Масалан: **ٿِب، تِب، ٿِبِ****

«у» қисқа унлисими ифодалаш учун олдинги ҳарф устига «дамма»-«^۴» белгиси қўйилади. Масалан: ^۴ب، بُث، بَئْت

Ундошдан кейин унли йүқлигини ифодалаш учун ҳарф устига «сукун»-«ـ» белгиси қўйилади. Масалан: **ئىت، ئېت، ئېت، ئېت**

7- машқ. Қуийдаги сүзларни ўқинг ва ҳар бирини икки қатордан ёзинг.

بَيْتُ، تَبَيْتُ، ثَبَتُ، بُثَّتُ، تَبَثَّ


б) чүзик үнлилар.

Чүзик «а» унлисими ифодалаш учун фатхали ундошдан кейин «ı – алиф» ҳарфи ёзилади.

«Алиф-!» ҳарғи ёлғиз үзи ҳеч қандай товушни билдирмайды.

Асосан турли ҳаракат ва белгиларга «курси»-таглик вазифасида ишлатилади ва «ҳаракат»га қараб «а» ёки «и» ёхуд «у» ўқилиши, ҳатто ўқилмаслиги ҳам мумкин.

Ўзидан кейинги ҳарфга уланмайди.



8- машқ. Күйидаги сұзларни ўқынға ұтап берінің иккі қатордан ёзинға:

بَابَ، تَابَ، ثَابَ، بَاتَ، ثَبَاتَ، ثَابَتَ

Чүзик «и» үнлиси «ى» ҳарфи билан ифодаланади:



Бу ҳарф чўзиқ «и» унлисини ифодалashi учун касрали ундошдан кейин келиши ва ўзи ҳеч қандай қўшимча белгига эга бўлмаслиги керак. Акс ҳолда бу ҳарф тил ўртаси-қаттиқ танглай орасида ҳосил бўладиган сирғалувчи жарангли «й» яримундош товушини ифодалайди:

(Сўз охирида фатҳадан кейин келган «ى» ҳарфи чўзиқ «а» унлисини ифодалashi мумкин. Бундай ҳолда ҳарф остидаги нуқталар ёзилмайди:


بَيْتُ، بَيْتُ، بَيْتُ، بَيْتُ

9- машқ. Қуйидаги сўзларни ўқинг ва ёзинг.

بَيْتُ، بَيْتُ، بَيْتُ، بَيْتُ

Чўзиқ «у» унлиси даммали ундошдан кейин келган, ҳеч қандай ҳаракати йўқ «و» ҳарфи билан ифодаланади.

Бу ҳарф ҳам ўзидан кейингига уланмайди:



«و» ҳарфи бирор ҳаракатга эга бўлса, маҳражи лаб-лаб бўлган, сирғалувчи жарангли яримундош товушни билдиради. Бу товуш инглиз тилидаги «window» каби сўзлардаги «w» ҳарфи билан ифодаланадиган товушга ўхшайди, ўзбек тилидаги «виқор», «виждон» каби сўзлардаги лаб-тиш товуши бўлган «в»дан фарқ қиласи: بُونْب، وَائِب

10- машқ. Қуйидаги сўзларни ўқинг ва ҳар бирини икки қатордан ёзинг:

1) ثُبُوت، يُثُوبُ، ثُوبِي، ثُبُوت

2) وَثَبَ، ثُوبَ، ثُوبِي، ثُوابِت


11- машқ. Қуйидаги сўзларнинг талаффузини машқ қилинг, ёзинг ва ёд олинг:

—әшик, боб;	— يَاب — <i>tavba қиласи</i> ;
—әшигим;	— يَات — <i>tyunadi</i> ;
—адажон, отажон;	— يَيْسَت — <i>tyunaydi</i> ;
—үй, хонадон;	— يَيْسَت — <i>tyunaysan</i> ;
—үйим, хонадоним;	— يَيْسَت — <i>mustaҳкам buldii</i> ;
—үйлар, хонадонлар;	— يَائِبَت — <i>mustaҳкам, sobit</i> ;
—тавба қилди;	— ئُبْ — <i>kiyim, ust-boish</i> ;
—тавба қилдим;	— ئُبْيِي — <i>kiyimim, ust-booshim</i> .

5- §. «د» «ۋا» «ذ» ҳарфлари

«د» ҳарфи тил учи-юқори тиш, портловчى, жарангли товушни ифодалайди. Ўзбек тилидаги «дада», «деразада» каби сўзлардаги «д» товушидан фарқ қилмайди.

«ذ» ҳарфи тил учи-юқори ва пастки тишлар ораси, сирғалувчи, жарангли товушни билдиради. «ث» товушидан факат жаранглилиги билан фарқ қиласи. Ўзбек тилида бундай товуш йўқ.



Ёзувда «ذ» ҳарфи «ۋ»дан факат нуктаси борлиги билан фарқ қиласи. Ҳар иккаласи ўзидан кейинги ҳарфга уланмайди.

			دَب	يَد	دَاوَد	دَ	د					

							بَذ	يَنْدُوَد	ذَات	ذَذَات	ذَذَذَات	


12- машқ. Куйидаги сўзларнинг ҳар бирини икки қатордан ёзинг ва овоз чиқариб ўқинг:

1) دَاب، دَوَث، وُدُود، تَدْوي، يَد، بَدَا

2) ذَات، ذَابَ، يَذُوبُ، ثَذِيبُ، يَذُوَدُ


6- §. «j» ва «j» ҳарфлари

«ж» **харфи** махражи тил учи – танглай бўлган титровчи сонантни ифодалайди. Ўзбек тилидаги «ранг», «рўбарў» каби сўзлардаги «р» товушига ўхшайди. Ёзувда ўзидан кейинги харфга уланмайди:



« ж» ҳарфи тил учи-юқори тиш, сирғалувчи, жарангли. Ўзбек тилидаги «занжир», «безак» каби сўзлардаги «з» товушига ўхшайди.

Ёзилишда «j» ҳарғи «ж»дан факат нүқтаси борлиги билан фарқ қиласы:



13- машқ. Күйидаги сүзларни икки қатордан ёзинг ва овоз чиқариб ўқинг:

- وُرُود، رَاؤَد، يُرَاوِدُ، يَرِدُ، ثَورٌ، دَارِي، (1)
زَادَ، زَبَدَ، زُرْتَ، زَيْبَ، بَرَزَ، بُنْدُور (2)

14- машқ. *Күйидаги сұзларни ёзинг ва ёд олинг:*

يد - <i>күл;</i>	ذَاب - <i>эрди;</i>
يکدي - <i>күлим;</i>	يَذْوَب - <i>эрийди;</i>
زاد - <i>оиши;</i>	ثُور - <i>бүкә;</i>
يېپىد - <i>оишади;</i>	زَار - <i>зиёрат қилди;</i>
بىدر - <i>түлин ой;</i>	زُزْت - <i>зиёрат қилдим;</i>
دار - <i>уй, ҳовли;</i>	بَدْر - <i>yuryg;</i>
دارى - <i>уйим, ҳовлим;</i>	بَدُور - <i>yurygлар;</i>
ۋەزد - <i>атиргул;</i>	زَيْب - <i>майиз;</i>
ۋۇزىد - <i>атиргуллار;</i>	زَيْنَد - <i>сариёг.</i>

7- §. «Шадда» белгиси

Сўз таркибидаги ундошлардан бири «ҳамма», «карра» сўзларидаги «м» ва «р» товушлари каби «иккилантириб» талаффуз қилиниши лозим бўлса, ҳарфнинг устига «ش» – «шадда» ёки «ташдид» белгиси қўйилади: رُدّي، يُرُدّي

«Шадда»дан кейинги ҳаракат «фатҳа» ёки «дамма» бўлса, «шадда»нинг устига, «касра» бўлса, «шадда»нинг ёки ҳарфнинг остига қўйилади:

رُدّي K يُرُدّي

15- машқ. Ўқинг ва кўчириб ёзинг:

رِيْيَ، بِتْ، يَرُدْ، ثَبَّتْ، بَثَّتْ

8- §. «س» ва «ش» ҳарфлари


«س» ҳарфи тил учи-юқори тиш, сирғалувчи, жарангсиз ундошни ифодалайди. «з» ундошидан фақат жарангсизлиги билан

фарқ қилади. Ўзбек тилидаги «саккиз», «ўсма» каби сўзлардаги «с» товушига ўхшайди.

«ش» ҳарфи тил олди – танглай олди, сирғалувчи, жарангиз.

Ўзбек тилидаги «шамол», «тиошима» каби сўзлардаги «ш» товушига ўхшайди.

Ёзувда «ش» ҳарфи «س»дан фақат тепасида уч нуқтаси борлиги билан фарқ қилади.



16- машқ. Қуийидаги сўзларнинг ҳар бирини икки қатордан ёзинг:

(1) سَرَد، يَسِيرُ، سَيْكُرُسُ، دَبَسَ، دَسَّ

(2) شَرَر، شَرَد، رَشِيد، تَشْدِيد، يَرْشَ

17- машқ. Қуийидаги сўзларни ёзинг ва ёд олинг:

رېي - <i>Парвардигорим;</i>	دۇرسى - <i>дарсларим;</i>
رەز - <i>қайтарди;</i>	رەش - <i>сепмоқ;</i>
سەر - <i>севинтирди;</i>	يۈش - <i>сепади;</i>
يىسۇر - <i>севинтиради;</i>	شەرىت - <i>ичдим;</i>
دەرس - <i>үکىди;</i>	شۇربا - <i>шүрва;</i>
يىڭىزىن - <i>үکىйди;</i>	شاи - <i>чои;</i>
دەرس - <i>дарс;</i>	شەر - <i>ёмон бўлди.</i>

9- §. Сўзлар таснифи

Араб тилшунослари сўзларни уч асосий гурухга тақсимлайдилар:

1. **Исм-** اسم гурухи; бу гурух от, сифат, сон ва олмошларни ўз ичига олади.

2. **Феъл-** فعل гурухи; ҳодиса, яъни иш-ҳаракат ёки ҳолатни англатадиган, замон ва шахс кўрсаткичига эга бўлган сўзлар шу гурухни ташкил қиласди.

3. **Ёрдамчи сўзлар-** حرف гурухи; бу гурухга фақат бошқа сўзлар билан бириккандагина маънога эга бўладиган, мустақил ишлатилмайдиган боғловчи, юклама, предлог, кўмакчи туридаги сўзлар киради.

18- машқ. Күйидаги матнни кўчиринг, исм гуруҳига киравчи сўзларнинг тагига бир чизик, феълларнинг тагига икки чизик чизинг:

Маҳмуд аз-Замахшарий Хоразм воҳасидаги Замахшар қишилогида 1075 йилда туғилди. У Хива ва Бухоро мадрасаларида таҳсил олди. Илм излаб кўп юртларни кезди. Илмининг кенглиги ва чуқурлиги туфайли «Араблар ва гайри араблар устози», «Хоразм фахри», «Адиллар пешвоси» каби номлар билан аталишга сазовор бўлди.

10– §. Танвинлар

Исм гуруҳига киравчи сўзларнинг кўпи араб тилида «-ун», «-ин», «-ан» қўшимчалари билан тугалланади. Бу қўшимчаларнинг ўз номлари ва белгилари бор. Улар қўйидагича:

Аталиши	Белгиси	Ўқилиши
Танвин дама	-	-ун
Танвин касра	-	


			-иң
	Танвин фатҳа	ئى، ئا، ئى	-ан

Масалан: سِرْبُ، سِرْبِ، سِرْبَا؛ بَيْتُ، بَيْتِ، بَيْتَا

11- §. «ن» ҳарфи

Бу ҳарф тил учи-юқори тиш, бурун сонантини ифодалайди.

Ўзбек тилидаги «нон», «кўнди» каби сўзлардаги «н» товушидан фарқ қилмайди.



19- машқ. Қуийидаги сўзларни икки мартадан ёзинг ва овозингизни чиқариб ўқинг:

1) دار، بذر، درس، يد، شراب

2) نبات، نار، ذئب، سين، دين، بذناء

3) رَنِينْ، رَنَّ، تَدْرِسِينْ، نَثُوبُ، بَانَ، يُبَيِّنُ

20- машқ.

a) қуийидағи сүзларни ёд олинг:

1) يَبِيْتَ - *yēt*, يَبِيْتِيَ - *yētim*, يَبِيْتَمِيزَ - *yētimiz*;

2) بَابِيَ - *bab*, بَابِيَمِيزَ - *babimiz*, بَابِيَكَ - *babik*.

б) нұқталар ўрнига керакли сүзни топиб ёзинг:

1) يَدِنَّ - *yadn*, . . . - *yadnim*, يَدِنِيمِيزَ - *yadnimiz*;

2) ئَوْبُ - *owb*, . . . - *owbmim*, . . . - *owbmimiz*;

3) دَارْسُ - *dars*, . . . - *darsim*, . . . - *darsimiz*;

4) دِينُ - *din*, . . . - *dinim*, . . . - *dinimiz*.

21- машқ. Қуийидағи сүзларни ёзинг ва ёд олинг:

بَدْرُ - *tölin* ой; دَنْبُ - *gunox* иши, айб;

بَدَنْ - *badan*, тана; شَنْ - *möylöv*;

سِنْ - *tiish*; رَنَّ - *jisirinqladi*;

نَارُ - *olow*; رَنِينْ - *jsaranq*;

نَبَاتٌ - *üsimlik*; يُبَيِّنُ - *eritadi*;

شَورُ - *mandip*.


12- §. «ف» харфи

Бу ҳарф лаб-тиш, сирғалувчи, жарангиз товушни ифодалайды. Ўзбек тилидаги «фақат», «гаффор» каби сүзлардаги «ф» товушининг айнан ўзи.



22- машқ. Қуийидағи сүзларни овоз чиқариб ўқинг ва ҳар бирини бир қатордан ёзиг машқ қилинг:

فَارِسِيٌّ، سَقْرٌ، تَقْسِيرٌ، شَرْفٌ، تَشْرِيفٌ، تَسْرُفٌ، سَافَرٌ



13- §. «ق» ҳарфи

Бу харф тил орқаси-тилча, портловчи, жарангсиз товушни ифодалайди. Ўзбек тилидаги «қара», «қоқи», «боққа» каби сўзлардаги «Қ» товушидан махражи ичкарироқдалиги билан фарқ қиласди.

23- машқ. Ўзбекча «қ» билан арабча «ڧ»ни солиштириб ўқинг:

<i>қарор</i> – فَرْازٌ	<i>фарк</i> – فَرْقٌ
<i>вокиф</i> – وَاقِفٌ	<i>қариіб</i> – قَرِيبٌ

24- машқ. *Күйидаги сұзларни ёзиб машқ қилинг:*

- شَيْفُ، سَافَرَ، سَفَرَ، تَفْسِيرٌ، فَسَرَ، فَرْقٌ (1)
 تَمْرِيقٌ، بَقَالٌ، نَقْفُ، قِفٌ، قَرِيبٌ، فُنْدُقٌ (2)
 وَقَفَ، تَعْرِيرٌ، وَاقْفَ، بَرْقٌ، فَرَازٌ (3)

25- машк.

а) қуийдаги сүзларни ёдлаб олинг:

- 1) -унутди, -унутдим, -унутдик; نَسِيْثَا - نَسِيْتَا - نَسِيْدَا
 2) -сафар қилди, -сафар қилдим, -сафар қилдик. سَافَرْنَا - سَافَرْتَا - سَافَرْدَا

б) нұқталар үрнини түлдиринг:

- 1) *иҷди*, *шеринт* – *иҷдим*, *шеринта* – . . . ;
 2) *рози бўлди*, . . . – *рози бўлдим*, . . . – *рози бўлдик*;

3) - тұхтади, турди, қоғыт - . . .; . . . - тұхтадик, турдик;

4) - ажратдим, ғрәнта - ажратдик, . . . - ажратди.

26– машқ. Қуидаги сүзларни ёзинг ва ёд олинг:

- мәхмона, құнолға;	- сафар қилди;
- тағсир қилди, тушунтируди;	- қорамол;
- тағсир, тушунтириши;	- қорамол бокұвчи;
- деди;	- дедим;
- сафар;	- яқин;

білін - семиз гавдали.

27– машқ. Қуидаги ғаптарни күчириб ёзинг ва ёд олинг:

a) 1) رَشِيدٌ وَزِيرٌ (Raшид-вазир;

2) شَرِيفٌ بَنِيُّونَ (Шариф семиз;

3) فُندُقْنَا قَرِيبٌ (Мәхмонализ яқин;

4) بَيْتِي قَرِيبٌ (Үйим яқин.

b) 1) شَرِيكٌ شَائِيًّا (Чой ичдим;


2) سَافَرْ بُورِي (Нурий сафарга жұнаб кетди;

3) شَارِيفٌ فِي فُندُقْنَا (Шариф мәхмонализда тұнади;

4) قِفْ، يَا رَشِيدٌ (Tұхта, Рашид!

14- §. «қ» қарфи

Бу қарф тил ўртаси-қаттық танглай, портловчи, жарангсиз ундошни ифодалайды. Ўзбек тилидаги «кул», «китоб», «кар» сүзларидаги «қ» ундошига ўхшайды.



28– машқ. Қуидаги сүзларни беш мартадан ёзинг:

گِییر, کِتاب, شُکْر, سُکَر, شَبَق, تَرَك

29- машқ.

a) қуийидағи сүзларни ёзинг ва ёд олинг:

1) دَفْتَرِي - дафтарим, دَفْتَرُك - дафтаринг үгил болага), دَفْتَرُك - дафтаринг қиз болага);

2) قَارَوْرَق - қарор, قَارَوْرِيم - қарорим, قَارَوْرُك - қароринг үгил болага), قَارَوْرُك - қароринг қиз болага).

б) нұқталар үрнини түлдириңг:

1) دُرُوسٌ - дарслар, دُرُوسِي - дарслар, . . . - دُرُوسُك - дарсларинг қиз болага);

2) بَدْرٌ - түлин ой, بَدْرِي - түлин ойим, بَدْرُك - түлин ойинг үгил болага), . . . - түлин ойинг қиз болага);

3) وَزْدَ - атиргул, وَزْدَنَا - атиргулимиз, . . . - атиргулинг үгил болага), وَزْدُك - . . .;

4) كَابُوب - кабоб, كَابُوبِي - кабобим, . . ., . . . - кабобимиз.

30- машқ. Куийидағи гапларни күчириб ёзинг ва ёд олинг:

a) 1) بَيْشِكْ قَرِيبٌ - Уйинг (қиз болага) яқин;

2) شُبَّاكْنَا كَيْبِيرٌ - Деразамиз катта;

3) دَفْتَرِي فِي بَيْشِكْ - Дафтарим-сенинг уйингда;

4) خَوْلِنْدَة - Ховлингда жонадонингда) Зайнаб бор;

5) شُكْرَنَا كَيْبِيرٌ - Шакаримиз күп;

6) شُكْرَا، يَا زَيْدٌ - Раҳмат, Зайд!

7) تَيْبِيدْ شَاكِيرٌ - Язиғ миннатдор.

б) 1) شَكَرْ رَشِيدْ زَيْدَا - Рашид Зайдга раҳмат айтди;

2) زَيْدَهُ رَشِيدْ زَيْدَا - Зайдга раҳмат айтдим;

3) فَكَرْ تَيْبِيدْ كَيْبِيرًا - Язиғ күп ўйлади;

4) كَيْنَعْ كَيْبِيرًا - Kyn ўйладим;

5) كُنْثُ بَيْتِي - Уйимда эдим;

6) كُنْثُ بَيْشِكْ - Уйингда эдинг.

31– машқ. Күйидаги сўзларни ёзинг ва ёд олинг:

—китоб, ёзув;	شىڭ - <i>müp</i> ;
—катта, улкан;	شۇڭاڭ - <i>deraza</i> ;
—күп, мүл;	فەڭر - <i>üyladi</i> ;
—шакар;	كىڭىز - <i>ëlgon</i> ;
—раҳмат айтди;	گۈزىر - <i>takrorladi</i> ;
—шакър;	كاتىب - <i>ëzuvchi</i> ;
—тарк этди;	دەكىچى - <i>aklli</i> .

32– машқ. Күйидаги гапларни араб тилига таржима қилинг:

Уйим яқин. Шариф миннатдор. Рашид ақлли. Күп ўйладик. Чой ичдинг. Зайдга раҳмат айтдинг.

15- §. Бўғин

Араб тилида бўғин фақат ундош товушдан бошланади. «*A-gar*», «*o-i-la*», «*ra-di-o*» каби сўзлар араб тилида йўқ.

Бир бўғинда икки ундош ёнма-ён келиши мумкин эмас. «*Стакан*», «*трамвай*», «*дашт*», «*турт-ки*» каби сўзлар ҳам араб тилида йўқ.

Унли билан тугаган бўғин «**очиқ бўғин**», ундош билан тугаган бўғин «**ёпиқ бўғин**» дейилади:

қа-ra-ма, de-ra-за – очиқ бўғинлар;

кет-дим, бор-май-сан – ёпиқ бўғинлар.

Очиқ бўғиннинг унлиси чўзиқ бўлса, ёки бўғин ёпиқ (ундош билан тугаган) бўлса, «**чўзиқ бўғин**» дейилади.

يَكْ-ثُبْ → يَكْتُبْ ; گَا-نَا → گَانَا

Чўзиқ унли ёпиқ бўғинда қисқаради:

يَئْبُثْ → يَئْبُعْ ; بَنَتْ → بَنَى

(«شَاعِر»، «شَاعِر» каби иккинчи ва учинчи ундошлари бир хил бўлган сўзлар бундан мустасно).

Араб тилида бўғин кўчириш мумкин эмас. Сўзниг сатрга сифмай қолиш эҳтимоли бўлса, у бутунича кейинги сатрга ўтказилади. Сатрниг бўш қолган қисми эса олдинги сўз ёки сўзларни чўзиб ёзиш-ҳарфлар орасидаги уланиш чизикларини узайтириш ҳисобига тўлдирилади.


Масалан:

فَكَرْث → فَكَرْث

تُبْت → تُبْت

16- §. «ل» ҳарфи

Бу ҳарф маҳражи тил олди-танглай олди бўлган сонантни ифодалайди. Ўзбек тилидаги «лола», «липилламоқ» каби сўзлардаги «л» товушига ўхшайди.



33- машқ. Қуйидаги сўзларни 2 қатордан ёзиб машқ қилинг:

أَلَيْل، قَلْب، قَلْب، سَرْوَال، قَوْل

17- §. Лигатуралар

Баъзан ёнма-ён турган ҳарфлар ёзувда бир-бирига уланганида шаклларида бироз ўзгариш бўлиб, яхлит бир бутунликни - қўшалоқ ҳарфни ташкил қиласди. Бундай қўшалоқ ҳарф «лигатура» деб аталади. Масалан:

کـا → کـا → کـا → کـل → کـل → کـل
لـکـا → لـکـا → لـکـا → لـکـا → لـکـا → لـکـا

34– машқ. Куйидаги сўзларни лигатураларга эътибор бериб кўчириб ёзинг:

كَاتِبٌ، تُكَاتِبُ، تَذْكَار، تَرْجَمَة
لَازُقُّ، كَسْلَانُ، دَلَالٌ، شَكَّلَة

35– машқ. Куйидаги сўзларни ёзиб машқ қилинг ва ёд олинг:

—ширин, лаззатли; —сүт, қатиқ; —юмшиоқ, майин; —лараж;—ёпишқоқ; —төнди, учратди; —қалб, юрак; —шер боласи; —хужжат, далил;	—күслі—дангасалик; —күслі—дангаса (қиз); —күслан—дангаса (ўғил); —шакл—дангасалик қилди; —күлб—кучук, им; —шакл—шакл, кўриниши; —тун—тун, кеча; —шитон—шитон.
---	--

18– §. Урғу

Араб тилидаги урғу ўзбек тилидагидан қуйидаги жиҳатлари билан фарқ қиласи:

1. Ўзбек тилидаги урғу-**микдорий**, яъни ургули бўғин чўзиброк талаффуз қилинади, араб тилида эса-**динамик**, яъни ургули бўғин овозни кўтариброк талаффуз қилинади.

2. Ўзбек тилида урғу сўзнинг охирги бўғинига тушади, араб тилида эса ҳеч қачон охирги бўғинга тушмайди, охиргидан аввалги чўзиқ бўғинга тушади. Сўз таркибида чўзиқ бўғин бўлмаса, урғу сўз охиридан учинчи бўғинга тушади.

36– машқ. Куйидаги жумлаларни ургуларга эътибор бериб ўқинг ва ёд олинг:

- 1) شىئىت لېنىڭ لۇزىدۇ - *Лаззатли сут ичдим;*
 - 2) گان في دارىنا كىلۈچ كېيىر - *Уйимизда катта им бор эди;*
 - 3) لىسە رىشىد لېتاسا - *Рашид кийим кийди;*
 - 4) زىئىت في بېتىتا - *Зайнаб бизнинг уйимизда.*

37- машқ. Нүкталар үрнини түлдириңг:


- 1) *Хўрозим катта* – دیکي گېيىر –;
Итим кучли – گلپى قۇيى –;
Қалбим юмшоқ – . . . ;

2) *Навбатимиз яқин* – دوڑنا فَرِبْتُ –;
Навбатинг яқин – دوڑنگ فَرِبْتُ –;
Навбатим яқин – . . . ;
Кучугинг катта – . . . ;
Хўрозимиз кучли – . . . ;
 3) *Ширин чой ичдим* – شەرىئىت شاپا لەزىيدا –;
 شەرىئىت شاپا لەزىيدا –

4) *Ақлли шерик учратдим* – ئەقىيەت شەرىگا دەكىيە –;
Ақлли шерик учратдик –

19- §. « м » ҳарфи

Бу ҳарф бурун (назал) сонантини ифодалайди. Ўзбек тилидаги «мерган», «ҳамма» каби сўзлардаги «м» товушининг айнан ўзи:



Лигатуралар:

↗ K_۱ → ↘ → ③; ↗ K_۲ → ↘ → ④;
 ↗ K_۳ → ↘ → ⑤; ↗ K_۴ → ↘ → ⑥;
 ↗ K_۵ → ↘ → ⑦; ↗ K_۶ → ↘ → ⑧;
 ↗ K_۷ → ↘ → ⑨.

38– машқ. Күйидаги сўзларни ёзиб машқ қилинг ва ёд олинг:



مَلِكٌ – подиоҳ, қирол;	سَلَام – тинчлик, салом
مَلَكٌ – фариишта, малак;	مُقْتَلٌ – вакил; актёр;
مُدَرِّسٌ – ўқитувчи;	مُكَحَّلٌ – баркамол;
مَكْتُوبٌ – хат, мактуб;	بَعْدَمٍ – бўлиб ўтди; тамом бўлди;
كَمَالٌ – Камол, камолом;	كَرِيمٌ – Карим, саховатли;
مَتَشَالٌ – тимсол, ҳайкал;	كَلَمٌ – гап, нутқ.

39– машқ. Күйидаги гапларни араб тилига таржима қилинг:

Камол – ўқитувчи. Ўқитувчимиз ақли. Вакилимиз жўнаб кетди. Карим – актёр.

20- §. «ع» ҳарфи

Бу ҳарф тил орқаси билан ҳалқумнинг орқа девори орасида ҳосил бўладиган сирғалувчи жарангли товушни ифодалайди. Бундай товуш ўзбек тилида йўқ.



40– машқ. Күйидаги сўзларни кўчириб ёзинг, талаффузини машқ қилинг ва ёдлаб олинг:

1 – кўз, булоқ;	عَيْنٌ – азиз, қудратли;
2 – илм, билим;	عَلْمٌ – булгади.

2 – ўйнади;	لَعِبٌ – шеър;
3 – ўрганди, ўқиди;	تَعْلُمٌ – шоур.

3) سَمِعَ – эшиитди;	رَجَحَ – рукуъ қилди (намозда);
4) دَافَعَ – ҳимоя қилди;	نَوْعَ – наө, хил.

41– машқ. Күйидаги гапларни күчиріб ёзинг ва ёдлаб олинг:

رَفِيقٍ عَرَبٍ – Ўртогим-араб;

سَلِيمٌ عَامِلٌ – Салим-иичи;

كَرِيمٌ عَامٌ – Карим-олим;

زَيْدٌ مُعْلِمٌ – Зайд-муаллим;

يَزِيدُ مُدَافِعٌ – Язиド-ҳимоячи.

42– машқ. Күйидаги гапларни араб тилига таржисма қилинг:

1) Карим –муаллим;	3) Зайд –шоир;
2) Салим –араб;	4) Ўртогим –иичи;

5) Муаллимим –азиз.

43– машқ. Күчиріб ёзинг ва эслаб қолинг:

كَتَبَ مُعَلِّمَنَا شِعْرًا – Муаллимимиз шеър ёзды;

سَعَثُ گَلَامًا كَثِيرًا – Күп гап эшиитдім;

مَا لَعِنَّا فِي مَلْعُونَةٍ – Стадионимизда ўйнамадик;

مَا عَمِلْتَ فِي مَعْمَلَنَا – Фабриканымизда ишиламагансан;

تَعَلَّمْتَ كَثِيرًا، يَا عَرَبِي – Күп үқидинг, азизим.

44– машқ. Күйидаги гапларни араб тилига таржисма қилинг:

1) Сен шеър ёзмадинг, азизим;

2) Күп гап эшиитмадик;

3) Стадионимизда ўйнадинг;

4) Фабрикангда ишиладик;

5) Күп үқимадик, азизимиз.

21- §. « ځ » څارфи

Бу ҳарф тил орти-тилча, сирғалувчи, жарангли товушни ифодалайди. Ўзбек тилидаги «*гор*», «*тоз*» каби сўзлардаги «F» товушидан махражи ичкарироқ (халқумга яқинроқ)лиги билан фарқ қиласиди.



Ёзилишда « ئ » харфидан фақат нүктаси борлиги билан фарқ қиласы:

45- машқ. *Күйидаги сұзларни ёзиб машқ қилинг ва ёдлаб*
:

1-غۇرۇت - <i>гарб</i> ;	-غىسىل - <i>ювди</i> ;
-غۇباز - <i>убор, чанг</i> ;	-غىدا - <i>эртага</i> .

2) -رَغِيف (юпқа тандир нон;	-بَعْدَدَاد -Бағдод (шашар);
-مَشْغُول машғул, банд;	-مَعْلُوب -мағлуб, енгилган.

3 – билдириши, етказиши;	قارىغۇشى - бўши, пуч, бефойда;
– мия;	ناتىغۇشى - жууда ақсли, талантли.

46- машқ. *Күйидаги жумлаларни күчиріб ёзинг ва ёд олинг:*

- گَرِيمْ غَالِبْ - Karim-goliб;

غُلامْ مَشْعُولْ - ғулом машгул, банд;

غَسْلُتْ يَدِي - *Kўlimni ювдим;*


- دەرزا یودىك;

- يَكْتُبُ عُلَامٌ عَدًا مُكْتُوبًا - гулом эртага хат ёзади.


47- машқ. *Күйидаги гапларни араб тилига таржима қилиб, ёзинг:*

1. Карим – мағлұб (енгілди). 2. Деразамизни ювдим. 3. Салим-банд. 4. Хомид хат ёзади. 5. Эртага ёзади.

22- §. «Հ» խարփի



Бу ҳарф тил орқаси-ҳалқум орқа девори, сирғалувчи, жарангсиз товушни ифодалайди. «Ӯ» товушидан жарангсизлиги билан фарқ қиласади. Бундай товуш ўзбек тилида йўқ:



Лигатуралар:

$$\begin{array}{ll} \text{K} \rightarrow \text{a} \rightarrow \text{b}; & \text{K} \rightarrow \text{a} \rightarrow \text{c}; \\ \text{K} \rightarrow \text{a} \rightarrow \text{d}; & \text{K} \rightarrow \text{a} \rightarrow \text{e}. \end{array}$$

48- машқ. Қуидаги сүзларни ёзинг ва ёдлааб олинг:

حَلِيبٌ - <i>cum</i> ;	وَاحِدٌ - <i>bırp</i> , <i>битта</i> ;
حَسَنٌ - <i>яхши</i> , <i>Ҳасан</i> ;	حَمْ - <i>gўsh</i> , <i>эт</i> ;
حِبْرٌ - <i>cięx</i> ;	مِلْعُ - <i>muz</i> ;
حَرْبٌ - <i>yuruş</i> ;	فَرَجٌ - <i>хурсанд</i> <i>бўлди</i> ;
حُبُوبٌ - <i>галла</i> , <i>дон</i> ;	فَتَحٌ - <i>очди</i> ;
حَيْبٌ - <i>севимли</i> , <i>Ҳабиб</i> ;	مَنَحٌ - <i>мукофотлади</i> ;
بَخْرُ - <i>дengiz</i> ;	ثُقَّافَحٌ - <i>олма</i> ;
يُحِبُّ - <i>яхши кўради</i> , <i>севади</i> , <i>хоҳлайди</i> ;	قِمْطَحٌ - <i>буғдоиди</i> ;
بَخْنُ - <i>биз</i> ;	تِمْسَاحٌ - <i>тимсоҳ</i> .
خُبُوبٌ - <i>севимли</i> ;	

49- машқ. Күйидаги бирикмаларни күчириб ёзинг ва ёд олинг:

- شَفَّاعَ لَذِيْدٌ - ширин олма;	- حَمْ كَشِير - күп гүшт;
- بَابُ مَفْتُوحٌ - очиқ эшик;	- حُوتُ وَاحِدٌ - битта балиқ;
- بَحْرُ عَمِيقٌ - чуқур денгиз;	- زَمِيلٌ حَمْبُوبٌ - севимли ўртоқ.

--	--

50– машқ. Араб тилига таржима қилинг:

бүттә денгиз, шириң олма, очиқ дераза, катта балиқ, күп туз.

51– машқ. Қуийдаги гапларни күчириб олинг ва ёдланг:

خَامِدْ زَمِيلِي – Ҳомид-ўртогим;
 فَسَخَتْ شُبَّاَكَا – Бир деразани очдинг;
 فَرِحَ سَلِيمُ – Салим севинди;
 فَرِحْ كَثِيرًا – Жуда севиндим;
 مَنَحْنَا كَرِيمًا كِتَابًا – Каримни китоб билан мукофотладик;
 يُحِبُّ مُحَمَّدَ ثُمَّاَخَا – Мұхаммад олмани яхии күради;
 رَبُّنَا وَاحِدٌ – Раббимиз-битта;
 نَبِيُّنَا مُحَمَّدٌ – Пайғамбаримиз-Мұхаммад.

52– машқ. Қуийдаги гапларни араб тилига таржима қилиб ёзинг:

1. Биз севиндик. 2. Эшик очдим. 3. Ҳомидни дафтар билан мукофотладик. 4. Ҳаким-ақли. 5. Муаллимимиз деди: «Динимиз-бир».

23– §. «خ» ҳарфи

Бу ҳарф тил орқаси-юмшоқ танглай, сирғалувчи, жарангиз товушни ифодалайды. Ўзбек тилидаги «хилма-хил», «мухбир» каби сўзлардаги «х» товушига ўхшайди.

Ёзилишда «خ» ҳарфидан факат тепасида нуқтаси борлиги билан фарқ қиласи.

خ	خ	خ	خ	خ	خ	خ

53– машқ. Ёзинг ва ёдлаб олинг:

– нон;	– خُبْرٌ – нонвойхона;
– эзгулик; яшии;	– دَخْلٌ – кирди;
– яратди;	– مَحْجُّ – чиқиши жойи;
– хөрөвт;	– خَوْجٌ – шафтоли;
– күзичоқ, қүй;	– فَحٌ – тузоқ;
– Халид; абадий;	– وَسْخٌ – ифлос, кир;
– енгил;	– شَامِخٌ – баланд;

– **خَنْجَنٌ** – дүкон; омбор.

54– машқ. Бирикмаларни күчиринг ва ёд олинг:

– **عَمَلٌ خَيْرٌ** – яшии (эзгу) иши;
 – **خَوْفٌ حَسَنٌ** – яшии қүзичоқ;
 – **خُبْرٌ لَذِيدٌ** – ширин нон;
 – **مَحْنَنٌ بَعِيدٌ** – узоқ(даги) дүкон;
 – **خَيْرٌ قَرِيبٌ** – яқин(даги) нонвойхона;
 – **وَزْنٌ خَفِيفٌ** – енгил вазн.

55– машқ. Күйидаги бирикларни араб тилига таржима қилиб, ёзинг:

Енгил қүзи, яшии нон, яқин(даги) дүкон, узоқ(даги) нонвойхона, ширин шафтоли.

56– машқ. Күйидаги жумлаларни ўқинг ва ёдлаб олинг:


1. – **دَخْلٌ خَالِدٌ** – Халид кирди;
2. – **مَا دَخَلَ سَلِيمٌ** – Салим кирмади;
3. – **يُحِبُّ خَالِدٌ عَمَلاً خَيْرًا** – Халид эзгу ишини яшии күради;
4. – **سَرْوَالُكَ وَسْخٌ** – Шиминг кир (ифлос);
5. – **خُبْرُنَا خَالِلٌ** – Нонимиз ҳалол;
6. – **عَمِلْتَ عَمَلاً خَيْرًا** – Яшии иши қилдинг;
7. – **مُحَمَّدٌ خَيْرٌ** – Мұхаммад-мухбир, хабар берувчи.

57– машқ. Таржима қилиб ёзинг:

1. Нонинг ширин;
2. Яхии иши қилмадим;
3. Карим-мухбир;
4. Нонвойхонамиз узоқ;
5. Дўконимиз яқин.

24– §. «ҳ» ҳарфи

Бу ҳарф ун пайчаларининг бир-бирига яқинлашуви натижасида бўғизда ҳосил бўладиган сирғалувчи жарангиз ундошни ифодалайди. Ўзбек тилидаги «ҳамма», «шаҳар» каби сўзлардаги «ҳ» товушига ўхшайди.



58– машқ. Қўйидаги сўзларни ўқинг, ёзинг ва ёд олинг:

هلاڭ - янги ой;	فَهْمٌ - тушиунди;
هدا - бу, шу;	ذَهَبٌ - кетди, борди;
هُمْ - улар;	مَنْحَنَا - уни мукофотладик;
?... - ...-ми? (сўроқ гаплар бошида ишилатиладиган юклама)	كِتَابَةً - унинг китоби;
هُنَّا - бу ерда;	فَوَّاكِهً - мевалар (дараҳтда битадиган);
هُنَّاك - у ерда; анави ерда;	مُهْمٌ - муҳим;
هُر - мушук;	گَرَةٌ - ёмон кўрди;
هُرْ - дарё, сой;	گَرْهُتْ - ёмон кўрдим, ёқтиирмадим;
دَعَاهُ - уни чақирди;	مَكْرُوهٌ - макруҳ, ҳаромга яқин;
سَهْلٌ - осон;	

59– машқ. Қўйидаги бирикмаларни ёзинг ва ёд олинг:

1. مُهَنْدِسْ مَشْهُور - машҳур муҳандис;

تَلْمِيذٌ – *ақли* ўқувчи, шогирд;
 مَئْشٌ مَفْهُومٌ – *тушунарлы* матн (текст);
 عَمَلٌ مَكْرُوهٌ – *ёмон*, макрух иш;
 شَهْرٌ مُبَارَكٌ – *муборак* ой;
 دَرْسٌ سَهْلٌ – *осон* дарс.

60– машқ. Күйидаги бирикмаларни араб тилига таржима қилинг ва ёзинг:

Ақли инженер, катта дарё, осон иш, машхур ўқитувчи, муҳим матн.

61– машқ. Күйидаги гапларни ёзинг ва ёд олинг:

a) 1) ؟ مَا هَذَا؟ – *Бу-нимада?*

هَذَا كِتَابٌ – *Бу-китоб;*

مَنْ هُوَ؟ – *Ким у?*

هُوَ مُهَندِسٌ – *У-муҳандис;*

هَلْ هَذَا خَالِدٌ؟ – *Бу Халидми?*

لَا، هَذَا حَامِدٌ – *Йўқ, бу-Ҳомид;*

هَلْ هُوَ فَارِسٌ؟ – *У форсми?*

لَا، هُوَ عَرَبٌ – *Йўқ, у араб.*

هَلْ هُوَ رَمِيلٌ؟ – *У сенинг дўстингми?*

نَعَمْ، هُوَ رَمِيلٌ – *Ха, у менинг дўстим.*

b) Ёдланг:

1) مَنْ هُنَاكَ؟ – *У ерда ким бор?*

هُنَاكَ مُخْمُودٌ – *У ерда Махмуд бор.*

2) هَلْ هُنَا سَلِيمٌ؟ – *Бу ерда Салим борми?*

لَا، هُنَا كَرِيمٌ – *Йўқ, бу ерда Карим бор.*

3) هَلْ هَذَا دَرْسٌ سَهْلٌ؟ – *Бу-осон дарсми?*

نَعَمْ، هَذَا دَرْسٌ سَهْلٌ – *Ха, бу осон дарс.*

4) مَنْ فَهِمَ كَلَامِي؟ – *Гапимни ким тушунди?*

نَحْنُ فَهِمْنَا كَلَامِكَ – *Гапингни биз тушундик.*

5) – ھان يُحِبُّ خَالِدٌ هُو؟ – *Холид мушукни яхши күрадими?*
 لا، خَالِدٌ يُحِبُّ خَرْوَفًا – *Йўқ, Холид қўзичоқни яхши күради.*

62– машқ. Таржима қилинг:

- 1) Мухандисимиз кетдими?–Ҳа, мухандисимиз кетди.
- 2) Гапимни тушундингми?–Йўқ, гапингни тушунмадим.
- 3) Шариф у ердами?–Ҳа, Шариф у ерда.
- 4) Уйингда ким бор?–Уйимда дўстим бор.
- 5) Нонвойхонанг шу ердами?–Ҳа, нонвойхонам шу ерда.

25– §. «ା» (та марбута)

«ା» ҳарфининг устига икки нуқта қўйиб, исмларнинг охирига қўшиладиган «-атун» қўшимчаси ифодаланади:

ମୁରାବ୍ବିଆ, عَلَمَةٌ - аллома, буюк олим, خَلِيفَةٌ - халифа, كَبِيْرٌ - котиблар, ୟକୁଚିଲାର, نَافِدَةٌ - گୁରୁତ୍ବକାରୀ, نَافِدَةٌ - коптак, دَرَازَا, دَارْچَا - дераза, дарча.

Бу қўшимчани «та марбута-боғланган та», «ତ»-ни эса «та мамдуда-чўзилган та» дейилади.


«Та марбута»дан кейин исмга яна бирор қўшимча қўшилса, у оддий «ା»-га айланади: عَلَمَتْنَا - мураббиям, نَافِدَتْنَا - алломамиз, جَدُّهُ عَلَمَةٌ - деразанг.

63– машқ. Қутидаги гапларни кўчириб ёзинг ва ёд олинг:

- خَالِدٌ شَابٌ دَكِيْيٌ – *Холид-ақлли йигит;*
- خَالِدٌ شَابَةٌ دَكِيْيٌ – *Холида-ақлли қиз;*
- جَدُّهُ عَلَمَةٌ – *Унинг бобоси-аллома (буюк олим);*
- وَالِدِي رَحَالَةٌ – *Отам-жашонгашта (саёҳатчи);*
- هَذِهِ نَافِدَةٌ. نَافِدَتْنَا مَفْتُوحَةٌ – *Бу-дераза. Деразамиз очик.*

26- §. «ج» ҳарфи

Бу ҳарф тил ўртаси билан қаттиқ танглай орасида ҳосил бўладиган, қоришиқ, жарангли товушни ифодалайди. Ўзбек тилидаги «жўёжа», «жажжси» каби сўзлардаги «ж» товушидан бироз ичкарироқда талаффуз қилиниши билан фарқ қиласи:



64- машқ. Ёзib олинг ва ёд олинг:

a) чиройли; جَمِيلْ	- жууда; چَدَا
жадид - янги; جَدِيدْ	- тоғ; جَبَلْ
жамағат - университет; جَامِعَةٌ	- ўтиргди. جَلْسَةٌ

б - مُجْبُور (мажсбур);	- مَجْلِس * - majlis ;
к - رَجُل - киши ;	- نَجَار - duradgor.

6)	чиқди; - خىچ -	севинмок; بەجى -
	аралашма; - مېرىج -	жуда. چىدا -

65- машқ. Қуийдаги бирікмаларни ёзинг ва ёд олинг:

جَمِيلٌ	- حَرْوُفٌ	чиroyili құзичок;
جَدِيدٌ	- جَامِعٌ	яңги масжид;
شَامِخٌ	- جَبَلٌ	шамын;
ماهِرٌ	- بَحَارٌ	моҳир дурадгор;
جَيْلَةٌ	- بُجَيْرَةٌ	чиroyili күл;
مشْهُورَةٌ	- مُشْجَمَةٌ	машхур таржимон (аёл);
كَبِيرٌ	- حَجَرٌ	жуда катта тош.

66– машқ. Қуийдаги гапларни күчиріб ёзинг ва ёд олинг:

1 - جامعنا بھیا (Masjidimiz chiroili;

- 2) - جامِعُنَا جَدِيدَةٌ - Университетимиз янги;
 3) - جَلْسَنْ جَدُّنَا - Бобомиз ўтиридолар;
 4) - جَدَّنَا عَجُوزٌ - Бувимиз кексалар;
 5) - خَرَجَ جَدُّهُ - Бобоси чиқдилар;
 6) - حَارِثَةٌ تَاجِرَةٌ - Кўшининг - тижоратчи, савдоғар (аёл);
 7) - حَارِثَةٌ مُتَرِجمٌ - Кўшиниси - таржимон.

67- машқ. Таржима қилиб ёзинг:

- 1) Масжидимиз янги;
- 2) Бобом чиқдилар;
- 3) Кўшиниси-муҳандис;
- 4) гулом-тижоратчи;
- 5) Тогимиз жуда чиройли.

68- машқ. Саволларга жавоб беринг:

- 1) هلن جاڑک مہندیس؟
- 2) هلن حدّنک هنّاك؟
- 3) هلن سافر حامد؟
- 4) من زمیلنک؟
- 5) ما هننا؟

27- §. « و » боғловчиси

Араб тилидаги « و » - «ва», «эса» боғловчиси ўзбек тилидагидан фарқли ўлароқ, ҳар бир уюшиқ бўлак олдидан ишлатилади ва албатта ўзидан кейинги сўзга қўшилиб ёзилади:

- ذهب مُحَمَّد وَسَلِيمٌ - *Maҳmud, Salim va Maryam ketishiidi.*
- خالد قَدِيم وَدَخْلَن وَجَلْسَن وَكَشَب - *Xolid keldi, kirdi, ўтириди ва ёзди.*
- زنب مُدَرَّسَةٌ وَسَلِيمَةٌ مُهَنْدِسَةٌ - *Zainab - ўқитувчи, Salima эса-муҳандис.*

69- машқ. Таржима қилинг:

Зайд, Холид ва Зайнаб чиқди. Карим келди, эшиитди, түшүнди ва суюнди.


Эмфатик ундошлар

Эмфатик ундошларнинг маҳражи тилнинг олд қисмидаги бўлгани ҳолда, уларни талаффуз қилишида тилнинг орқа қисми юмшоқ танглай томон тортиласди. Ўзбек тилида бундай товушлар йўқ.

28- §. «ص» ундоши

Бу ҳарф тил олди-юқори тиш, сирғалувчи, жарангсиз эмфатик ундошни ифодалайди. «*س*» товушидан тил орқасининг юмшоқ танглай томон кўтарилиб талаффуз қилиниши билан фарқ қиласи.

Солишириинг:



«Сўз» товушининг талаффузи



«с» ТОВУШИНИНГ

رصف مصباح صب صهص صهص

70– машқ. Талаффузни машқ қилинг:

- қилич ↔ صَيْفٌ - سیفُ (фасли);

— ЭЛЧИ ↔ سَفِيرٌ — صَفِيرٌ — ҳүштак;

سَبَقْ - *səqədi* ↔ صَبَقْ - *ṣabiq*;
 مَسِيرْ - *maṣir* ↔ مُصِيرْ - *ṣibir*;
 مَصْرَ - *məṣr* ↔ مَصْرَ - *ṣurf*, *ṣimdi*.

71- машқ. Күйидаги сұзларни ёзиб машқ қилинг ва ёд олинг:

a - <i>ṣibir</i> - <i>كىچىك</i> ;	- <i>ṣib</i> - <i>قۇتىقىزىم</i> - <i>կատтиկ</i> ;
- <i>Собир, сабр қилувчи</i> ;	- <i>ṣib</i> - <i>بۇيىقىزىم</i> - <i>բյեկ, ранг</i> ; - <i>ṣib</i> - <i>قۇتىقىزىم</i> - <i>эрталаб</i> .

b - <i>ṣib</i> - <i>kalta</i> ;	- <i>ṣib</i> - <i>etib keldi</i> ;
- <i>Misr</i> ;	- <i>ṣib</i> - <i>ajratdi</i> .

b - <i>ṣib</i> - <i>apzon</i> ;	- <i>ṣib</i> - <i>راڭىچىن</i> - <i>раксга тушиди</i> ;
- <i>shaxs, odam</i> ;	- <i>ṣib</i> - <i>شەخىش</i> - <i>чимчилади</i> .



72- машқ. Күйидаги жумлаларни күчириб ёзинг, нүкталар урнини түлдиринг:

صَابِرْ وَمَفْصُودْ فِي بُسْتَانِ جَيْلِ - *Собир ва Maṣud gūzal chamanzorda*;
 قَالَ صَابِرْ: صَدَقْتَ، يَا صَدِيقِي - *Собир деди: «Рост айтдинг, дўстим»*;
 - *Maṣud chamanzordami, dўstim?*
 هَذَا قَيِّصٌ رَّحِيقٌ؟ - نَعَمْ، يَا زَمِيلِي - *Бу арzon кўйлакми? - Xa, bиродарим.*
 لَبِسَ زَمِيلِي قَيِّصًا تَمِينًا - *Биродарим қиммат кўйлак кийди*;
 - لَبِسَتَ قَيِّصًا تَمِينًا جَدًّا، يَا عَزِيزِي؟
 - *Собир рост айтдими?*

29- §. «ض» харфи

